

«МЕҲРЛИ ҚўЛЛАР МУДОМ БОШИМИЗДА»

Болажонларга давлатимиз раҳбарининг жавоб мактублари ҳамда совғалар топширилди

Президентимиз Шавкат Мирзиёев жорий йилнинг 17 июнида Болалар гематологияси, онкологияси ва клиник иммунологияси марказига ташриф буюриб, бу ерда ташкил этилган «Меҳрли мактаб» давлат таълим муассасасини кўздан кечириш жараёнида бемор болаларнинг хатларини қабул қилиб олган эди.



К уни кеча марказда ушбу болажонларга давлатимиз раҳбарининг жавоб мактублари ҳамда совғалар топширилди. Шу муносабат билан ташкил этилган тadbирда Президент Администрацияси, Соғлиқни сақлаш, Ички ишлар, Спортни ривожлантириш вазирликлари мутасаддилари иштирок этди.

Президент маслаҳатчиси Абдужаббор Абдувоҳидов ҳамда Соғлиқни сақлаш вазири Бехзод Мусаевлар сўзга чиқиб, болажонларни Ёшлар куни билан табриклашди, давлатимиз раҳбари саъй-ҳаракатлари билан шишохонага янги технологиялар келтирилгани, уларнинг соғайиб кетиши учун барча имкониятлар ишга солиниши, илик кўчириб ўтказишда чет эллардаги соғлиқни сақлаш ташкилотлари билан келишувлар амалга оширилаётганини айтиб ўтишди.

Болажонлар Президентга йўллаган хатларида ўзларининг қизиқишлари, орзу-интилишлари ҳақида ҳам ёзишган эди.

– Хатимда расм чиқиши яхши кўришим, келажакда ички ишлар ходими бўлиш

орзуим борлигини ёзган эдим, – дейди Бектемир туманилик Диёрбек Абдуқосимов. – Бугун бахтиёрлигим чексиз. Ички ишлар ходимлари кийим-кечак совғалар беришди. Бу менга катта куч бўлди. Мактабни аъло баҳоларга тамомлаб, келажакда, албатта, ички ишлар тизимида ишлайман. Президентим ишончини оқлаб, Ватанимга садоқат билан хизмат қиламан.

– Дизайнерлик касбига қизиқаман. Шу йўналишда олий таълимга эга бўлиш энг катта орзуим эди, – дейди Яшнобод туманилик Дилзода Саидхўжаева. – Бугун орзуим амалга ошди. Миллий рассомлик ва дизайн институтига 2023-2024 ўқув йилидан давлат гранти асосида талабалikka қабул қилиниши, илик кўчириб ўтказишда чет эллардаги сертификатни топширишди. Айни пайтдаги ҳаяжонимни ҳеч нима билан ўлчаб бўлмайди.

Тadbирда Ёшлар ишлари агентлиги ҳамда Маънавият ва ижодни қўллаб-қувватлаш мақсадли жамғармаси томонидан бемор болаларга турли совғалар ва бадий китоблар тўпламлари тақдим этилди.

Салим АБДУРАҲМОНОВ,
«ISHONCH»



2022 йил 25-26 июль кунлари Тошкент шаҳрида 20 дан ортиқ мамлакат ва халқаро ташкилотлар делегациялари иштирокида Афғонистон бўйича халқаро конференция бўлиб ўтди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазири Абдуқодир Тошқулов Франциянинг Le Cordon Bleu институти президенти ва бош директори Андре Ж. Куантро-ни қабул қилди.



Самарқанд шаҳрида «Тараққийёт стратегияси» маркази томонидан ишланган «Инсон кадри» онлайн платформаси ҳамда «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққийёт стратегияси» тўплами тақдими ўтказилди.



Республика шойинч тиббий ёрдам илмий марказининг Бухоро филиалида Хиндистоннинг Деҳли шаҳрида жойлашган «SHARDA HOSPITAL» клиникасининг бир гуруҳ тиббиёт ётақчалари билан учрашув бўлиб ўтди.

«Навқирон Ўзбекистон» Республика ёш ижодкорлар амалий санъат кўргазмасининг номинация ғолиблари аниқланди.



Ислом Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида профессионал боксининг WBA ва IBF йўналиши бўйича иккинчи энгил вазн (55,3)да ўз чемпионлик камарларини АКШнинг Техас штатида муносиб ҳимоя қилган Жаҳон чемпиони Муроджон Аҳмадалиев тантанали кутиб олинди.

Фарғона шаҳрида ҳақиқидо спорт тури бўйича катталар, ёшлар ва ўсмирлар ўртасида Осий очик чемпионати бошланди.

uz.uz хабарлари асосида тайёрланди

Самарқанд вилояти

«Ishonch» САВОЛИ

Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига!

Мамлакатимизда кекса авлод вакилларига алоҳида эътибор кўрсатилмоқда. Айниқса, пенсия таъминоти, етказиб бериш тизими мукамал ишлаб чиқилган. Аммо бу соҳада ҳам ечимини кутаётган муаммолар йўқ эмас. Хусусан, ногиронлик нафақасидан ёшга доир пенсияга чиқишда тушунмовчиликлар мавжуд.

КАСАЛЛИГИДА КЕРАК, КЕКСАЛИГИДА КЕРАК ЭМАС(МИ?)

Б уни ҳаёт дейдилар. Бъзан уринасан-суринасан... Соғлигини бой бериб қўйганини билмай ҳам қоларкан киши. Ана шундай паллада тиббий муассаса хулосаси билан ногиронлик нафақасига чиқишга мажбур бўлсан.

Мана ўзимдан қиёс. 1993 йилда мурраккаб жарроҳлик амалиёти туфайли ногиронлик нафақасига чиқдим. Қарийб 15 йил нафақада бўлиб, саломатлигимни тиклаш ҳаракатини қилдим. Орада бир йил, икки йил ишлаб ҳам кўрдим. Аммо соғлиқ кўтармагач, яна «ногиронлик»ка чиқарилдим.

Боз устига, бу палладан ёш қурғур пенсия оstonасини мўралаб қўйганди. Ногиронлик нафақасига чиққунимча 5 йиллик узлуксиз иш стажим бўлган экан. Сўнгра етти-саккиз йил нари-бери

ишлабман ҳам. Пенсияга ҳужжат топшириб билдимки, ногиронлик нафақасида бўлган даврим иш стажига қўшилмас экан.

Хуллас, бир амаллаб тўлиқсиз иш стажини (14 йил) ёшга доир пенсияга илдиндим. Елиб-ногуришларим асноси билдимки, жуда кўпчилик касаллик туфайли ногиронлик нафақасидан сўнг пенсияга чиқишда муаммога дуч келишяпти.

Савол тўғрисида: ишлаб турган киши соғлиги туфайли ногиронликка чиқяпти. Касаллиги даврига ҳақ тўланади-ю, стаж ҳисобланмаслигини ҳеч тушуна олмаган. Ажабо, касаллигида керак бўлган одам кексайгач, керак бўлмади қоладими?

Болой РУСТАМОВА
Қўшрабoт тумани

Наманган вилояти

БИЗ – спортчи оиламиз!

Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси ташаббуси билан мамлакатимизнинг барча ҳудудларида «Биз – спортчи оиламиз!» шиори остида оилавий спорт мусобақалари ўтказилди.

И шчи-ходимлар ҳамда уларнинг оила аъзоларини оммавий спорт турларига жалб этиш, шу орқали уларни фойдали ва мазмунли ҳаракатга йўналтириш, соғломлаштириш, жамоа бўлиб ҳаракат қилишга ўргатиш мақсадида ташкил этилган ушбу мусобақада оилалар спортнинг 7 тури бўйича беллашишди. Барча вилоятларда спортчи оилалар ушбу беллашувда югуриш, тўпни нишонга отиш, тезлик ва эпчиллик эстафетасида ўз маҳоратларини намойиш этишди ва жамоалар ҳақамлар ҳайъати томонидан баҳолаб борилди.

Мусобақа иштирокчилари «Энг чаққон оила», «Ғалабага бўлган интилиши юксак оила», «Энг аҳил оила», «Энг фаол оила» каби бир қатор номинациялар бўйича ҳам тақдирланди.

Ушбу мусобақанинг худудий босқичларида 1-ўринни эгаллаган оилалар республика босқичи, яъни финалда иштирок этиш учун Наманганда тўпланишди.

Мусобақанинг тантанали очилиш маросими Наманган шаҳридаги «Уч фаввора» хиёбонида бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси раиси ўринбосари Қобилжон



Қирғизалиев, Федерациянинг «жисмоний тарбия ва спорт» унитар корхонаси директори Баҳодир Тожиев ҳамда Наманган вилояти ҳокими ўринбосари Ботир Нуриддинов иштирок этишиб, барча қатнашчиларга омад тилашди.

Қизгин ва муросасиз ўтган беллашувларда республикамизнинг барча вилоятларидан келган оилалар кўп сонли

мухлислар қаршисида ўзларининг эпчилликларини намойиш этишди. Мусобақа яқунлангач, ҳаяжонли дақиқалар бошланди. Ҳақамлар ҳайъати хулосасига кўра, Бухоро вилоятидан келган Ҳасан Шовлар оиласи учинчи, Сирдарё вилоятидан иштирок этган Аҳмад Ҳаққуловлар оиласи иккинчи, ва ниҳоят, Қорақалпоғистондан келган Рустам Ҳай-

даровлар оиласи эса биринчи ўринни кўлга киритишди.

Мусобақа ғолиблари ва иштирокчилар тантанали равишда тақдирланди. Совриндор оилаларга кубок ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Орзуғул РУСТАМОВА,
«ISHONCH»

Мусобақа

Жараён

ҚИЗГИН МУҲОКАМА

Кимё ва фармацевтика sanoati ходимлари касабаси уюшмаси Республика кенгаши Ўзбекистон Конституциясига таклифлар беришда тармоқ тизимидаги ходимларни кенг жалб этиш, эркин фикр ва таклиф билдиришлари имконият яратиш мақсадида давра суҳбатлари ва семинарлар ташкил этиб келмоқда.

Тармоқ тизимидаги корхоналарда, жумладан, «Навийазот» ва «Жиззах пластмасса» акциядорлик жамиятларида Кимё ва фармацевтика sanoati ходимлари касабаси уюшмаси Республика кенгашининг меҳнат ҳуқуқи инспектори Аслиддин Ҳасанбоев иштирокида семинарлар ташкил этилди.

Ўтказилган тадбирларда ходимлар ўз фикр-мулоҳазаларини баён этдилар.

Шавкат ТОИРОВ,
Кимё ва фармацевтика sanoati ходимлари касабаси уюшмаси Республика кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси

Самарқанд вилояти

Яширишга на ҳожат, баъзан турмуш ташвишларидан вақт орттириб, ўзимизга қарашга, соғлиғимизни тиклашга ҳафсала қилмаймиз. Қишлоқчилик. Оила, фарзандлар билан қачон дам олиш маскани, истироҳат боғи ёки табиат қўйнида чақчақлашганимни эслай олмайман.

Қайноқ меҳр тафтини ҳис қилдик

Яшيام бахтимизга касабаси уюшмалари бор. Яқинда Маданият, спорт ва туризм ходимлари касабаси уюшмаси томонидан берилган йўлланма билан Нуробод туманидаги Абу Али ибн Сино номидаги сўхатгоҳда даволандим. Саломатлик масканининг янги, замонавий, барча қулайликларга эга бўлган

янги биноси фойдаланишга топширилганидан беҳабар эканман. Боришдаги равон йўл ва кириш дарвозасидаги бунёдкорлик, автотураргоҳ, буларнинг барчаси дам олувчилар учун бир мўъжиза эди. Худуднинг ободлиги, сўхатгоҳ ҳовлисида бунёд этилган фаввора ҳам масканга ўзгача кўрк бағишлаб турарди.

Миннатдорлик

Муолажаларда энг замонавий ускуналар қўлланилаётган экан. Инсон ўз жисмини англамас экан, у дард устидан ҳеч қачон музаффар бўлмайди. Сўхатгоҳдаги йўлакчалар четига тиб илмининг султони Абу Али ибн Синонинг нодир битиклари ва ўғитлари битилган. Ҳар яшанба куни Самарқанд шаҳри ва вилоятнинг диққатга сазовор жойлари ҳамда зиёратгоҳларга саёҳатлар ташкил этилди.

Биз дам олувчилар нафақат 750 метр чуқурликдан 37-43 даража иссиқликда чиқадиган шифобахш радон сувнинг фойдасини, балки қайноқ меҳр тафтини ҳам ҳис қилдик. Бундай шароит яратиб қўйган касабаси уюшмаларидан ниҳоятда миннатдор бўлдик.

Тўлқин ШЕРБОВЕВ

Булунгур тумани

«Ishonch»га жавоб берадилар



«Ishonch» газетасининг 2022 йил 14 май сонида «Ўзбошимчилик қачонгача?» сарлавҳали мақола эълон қилинган эди. Унга Сурхондарё вилояти прокуратураси қўйидагича муносабат билдирди:

ТОМОНЛАР ЎЗARO КЕЛИШИБ ОЛИШГАН

Фуқаролик ишлари бўйича Сароисиё туманлараро судининг 2019 йил 29 ноябрдаги Сароисиё тумани «Галабута» МФЙ ҳудудидаги «Сардор Парвин» болалар оромгоҳига тегишли 3200 м² ер майдонида ўзбошимчилик билан қурилган уй-жой ва хўжалик биноларини қарздор Х.Мелибоев ҳисобидан буздириш ва қарздорни низоли ер майдонидан мол-мулки билан мажбурий тарзда чиқариш тўғрисидаги ҳужжат бўйича Бюронинг Сароисиё тумани бўлимида ижро иши юритилган.

Қарздор ижро варақаси ва ижро иши юритишни қўзғатиш тўғрисидаги қарор билан таништирилиб, оғоҳлантириш хатлари олганига қарамай, ҳужжат ижросини ихтиёрий муддатда таъминламаган.

Давлат ижросини томонидан 2021 йил 28 май куни мажбурий ижро ҳаракатлари тайинланиб, ижро ҳужжати ижросини таъминлаш мақсадида суд қароридан кўрсатилган манзилга борилганда, талабномада кўрсатилган ташкилотлар ижро ҳаракатлари жойига келмагани ва қарздор тўққинлик қилгани сабабли ижро ҳаракатлари кейинга қолдирилган.

Шундан сўнг, 2021 йил 25 июнь куни мажбурий ижро ҳаракатлари тайинланиб, ижро ҳужжати ижросини таъминлаш мақсадида суд қароридан кўрсатилган манзилга борилган ва 3200 м² ер майдонида ўзбошимчилик билан қурилган уй-жойни буздириш имкони бўлмагани сабабли ижро ҳаракатлари бошқа кунга қолдирилган.

2021 йил 10 декабрь куни яна мажбурий ижро ҳаракатлари тайинланиб, суд қароридан кўрсатилган манзилга борилганда, қарздор ижро ҳаракатларини амалга ошириш жойига келмагани сабабли ижро ҳаракатлари бошқа кунга қолдирилган.

Давлат ижросини томонидан 2022 йил 30 май куни ижро ҳаракатлари вақти ва жойи кўрсатилган ҳолда талабнома чиқарилиб, тегишли ташкилотларга юборилган.

Ҳужжат ижросини таъминлаш мақсадида 2022 йил 2 июнь куни суд қароридан кўрсатилган Сароисиё тумани, «Галабута» маҳалласидаги қарздор Х.Мелибоев томонидан ўзбошимчилик билан қурилган уй-жой ва хўжалик биноларини буздириш бўйича олиб борилган мажбурий ижро ҳаракатлари вақтида тегишли ташкилотлар келмагани ҳамда қарздор ва бошқа шахслар томонидан тўққинлик қилинган сабабли ижро ҳаракатларини амалга ошириш имкони бўлмаган ҳамда бу ҳақда белгиланган тартибда далолатнома расмийлаштирилган.

Мазкур ижро ҳужжати ижросини таъминлаш мақсадида 2022 йилнинг 7 июнида суд қароридан кўрсатилган манзилга борилиб, ўзбошимчилик билан қурилган уй-жой ва хўжалик биноларининг бир қисми давлат ижросчилари томонидан мажбурий тартибда буздирилган.

Ҳужжат ижросини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг 14 июнь куни суд қароридан кўрсатилган манзилга борилганда, ундирувчи – «Сардор Парвин» болалар оромгоҳи директори Х.Зокиров бюронинг Сароисиё бўлими давлат ижросчиларига қарздор Х.Мелибоев билан ўзаро келишгани ҳақида тилхат тақдим қилгани сабабли 14.06.2022 йилда ижро ҳужжати иш юритиши тугалланган.

Сурхондарё вилояти
прокурори ўринбосари

Т.Қурбанов

Хоразм вилояти

Янги Ўзбекистон ёшлари – соғлом ҳаёт тарафдори!

Урганчдаги «Ёшлик» спорт мажмуасида Таълим ва фан ходимлари касабаси Республика кенгашининг Хоразм вилояти ташкилоти томонидан Ёшлар кун муносабати билан «Янги Ўзбекистон ёшлари – соғлом ҳаёт тарафдори!» шиори остида оммавий спорт турлари бўйича Ёш ходимлар III спартакиадаси ўтказилди.

Спартакиадада 25-35 ёшдаги 380 нафар касабаси уюшмаси аъзоси фаол иштирок этди. Улар волейбол, стритбол, стол тенниси, бадминтон, 400 метрга югуриш, сузиш, арқон тортиш бўйича беллашдилар.

– Олти ёшимдан буён теннис ўйнайман, – дейди Урганчдаги 2-сон мактаб ўқитувчиси Мадина Маткаримова. – Теннис билан мунтазам шуғулланган инсон тетик бўлади, кўз нури ўткирлашади.

Мадина спартакиадада теннис бўйича аёллар ўртасида биринчи ўринни эгаллаган бўлса, эркаклар ўртасида голиблик ҳамкасби Шодиёр

Атаевга насиб қилди.

Умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни Урганч шаҳар, иккинчи ўринни Урганч давлат университети, учинчи ўрин Хива шаҳри вакиллари банд этди.

Ғолиб жамоаларга 1-, 2-, 3-даражали диплом ва 1-ўринни эгаллаган жамоага кўчма кубок топширилди. Барча турлар бўйича ғолиб ва совриндорлар фахрий ёрлик ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Мўҳаббат ТўРАБОЕВА,
«ISHONCH»



Спартакиада

Қашқадарё вилояти

Болаларни ёзги соғломлаштириш мавсумининг 1-навбатида Яккабоғ туманидаги Мирзо Улуғбек номидаги оромгоҳда педагог ходимларнинг 120 нафар фарзанди дам олдирилди.

БИЗ ҲАМ БИР ЁНДАН



Иккинчи навбатда эса болажонлар ёзги таътилни тумандаги «Истиқлол ғунчалари» оромгоҳида мароқли ўтказишаётир.

Шу кунларда Таълим ва фан ходимлари касабаси уюшмаси Яккабоғ тумани кенгаши жамоаси оромгоҳларда бўлиб, турли спорт мусобақалари, интеллектуал ўйинлар ўтказиш, фаол ўғил-қизларни эсдалик совғалари билан тақдирлаш тадбирларини амалга ошириб келмоқда.

Уларда болажонларнинг муҳаббатига, адабиёт ва санъатга қизиқишларини янада юксалтириш, спорт соҳасида қобилиятини намоён қилишлари, компьютер технологияларидан самарали фойдаланишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Алишер ХОННАЗАРОВ,
Таълим ва фан ходимлари касабаси уюшмаси Яккабоғ тумани кенгаши раиси

Ёзги соғломлаштириш

«НИЛУФАР»ДА МАРОҚЛИ ҲОРДИҚ

Данғара тумани Халқ таълими бўлими тасарруфидаги «Нилуфар» болалар оромгоҳи Наманган вилоятининг Поп туманида жойлашган. Гўзал табиат қўйнидаги оромгоҳда иккинчи мавсум бошланди ва айни кунларда бу ерда 130 нафар ўғил-қиз мароқли дам олмоқда.

Оромгоҳда болажонларнинг мазмунли ҳордиқ чиқариши учун барча шарт-шароитлар яратилган. Энг асосийси, тоза ҳаво, бетакрор манзара, табиат билан уйғун ҳолда ўтказилаётган машғулотлар болажонларга ҳар томонлама манзур бўлмоқда. Тоза ва шинам ётоқхоналар, витаминга

бой, бир-биридан хуштаъм таомлар, маънавий-маърифий, кўнгилочар тадбирлар, соғломлаштирувчи спорт мусобақалари – буларнинг бари болажонларнинг таътилни мазмунли ўтказишига хизмат қилаётир.

Жамшид ЭРГАШЕВ,
«ISHONCH»

Андижон вилояти



«БОЛАЛАР ШАҲАРЧАСИ» МАЙДОНЛАРИДА...

Андижон шаҳрида бу йил янги ташкил этилган «Болалар шаҳарчаси» оромгоҳида навбатдаги иккинчи қабулда 100 нафар ўқувчи мароқли дам олмоқда. Сўлим масканга ҳомийлар кўмағида кам таъминланган оилалар фарзандлари ҳам жалб этилган.

Масканнинг замонавий ва кўркем ошхонасида 4 маҳал овқатланиш имкони яратилди. Дам олувчилар моҳир қўллар, инглиз тили, мусиқа асбоблари чалиш, футбол ҳамда шарқ яққа кураши каби тўғарақларда шуғулланишлари мумкин. Шунингдек, бассейн ҳам кечано кундуз уларнинг хизматида. Баркамол авлод мактаби томонидан ҳар куни мада-

ний-маърифий ва кўнгилочар тадбирлар ўтказилмоқда. «Кувноқлар ва зукколар» танлови қизиқарли баҳслашувлар билан ўтаётган бўлса, тегишли мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликдаги «Йўл ҳаракати хавфсизлиги» машғулоти ҳам болалар учун фойдали бўлмоқда. Айниқса, вилоят ўлкашунослик музейининг узоқ ва ақин тараҳдан ҳикоя қилувчи кўчма на-

мойиши ҳам барчада илиқ таассурот уйғотди.

Матълумот ўрнида: шу кунларда вилоятда 17 та, шундан, 14 та режадаги, 3 та кўшимча оромгоҳ ҳамда 68 та соғломлаштириш майдончаси иккинчи даврада фаолият юритмоқда.

Анваржон ҲАЛИМОВ,
«ISHONCH»

Фарғона вилояти



Президент қароридан кейинги ўйлар

ҚОҒОЗНИНГ УЧИНЧИ ТОМОНИ...

ёхуд мутолаа ишончини мустақамлаган ҳужжат



Ўзбекистон Республикаси Конституциясини замон талабларига мос тарзда ўзгартириш зуруратдир.


ЁШЛАР ИСЛОХОТЛАРНИ ҚўЛАБ-ҚУВВАТЛАЙДИ

Аслида бугунги глобаллашув шароитида бутун дунё мамлакатлари конституциявий ривожланишнинг ўзига хос моделини изламоқда. Шу билан бирга, Конституция давлатнинг сиёсий ва ижтимоий барқарорлигини таъминлашнинг асосий омилларидан бири бўлиб қолмоқда. Бунда конституциявий тамойиллар куйидагиларни кўзда тутди: биринчидан, инсоннинг асосий ҳуқуқи ва эркинликларини кенгайтириш; иккинчидан, «жамоат ҳуқуқлари», «умумжаamiaт ҳуқуқлари»нинг ҳимоясини мустақамлаш, яъни фуқаролик жамияти институтларини мувофиқлаштириш, ижтимоий шериклик ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш, бошқарув органлари тизимини ташкиллаштириш масъулияти ва ҳисобдорлигини янада ошириш.



Саидкамал МАМАСОЛИЕВ,
«Юксалиш» умумийлик ҳаракатининг Тошкент вилояти бўлинмаси ёш фаоли

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакат демократик йўлдан ривожлантиришнинг ҳуқуқий кабинида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг «Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси» номили китобида демократик ислохотларни янги сифат босқичига олиб чикувчи жиддий вази фалар қўйилган. Улар қонунчилик ҳамда ҳуқуқни ангаш ва қўллаш тизимини, жамиятнинг сиёсий-ҳуқуқий онгини умуминсоний қадриятлар ва барқарор ривожланиш тамойилларига йўналтириди. Аввало, бу «Инсон қадрни учун» деган устувор тамойилни ҳаётга татиқ этиш билан боғлиқ. Бунда инсон қадрни – мамлакатнинг ҳар бир фуқароси учун тинч ва ҳафсиз ҳаётни, фундаментал ҳуқуқ ва эркинликлар, малакали тиббий хизмат, сифатли таълим, кучли ва манзилли ижтимоий ҳимоя ҳамда соғлом экологик муҳит таъминланишини, муносиб турмуш шароити ва замонавий инфраутилларнинг босқичма-босқич яратилишини англатади. Халқчил ислохотлар даврида яшаймиш. Ҳаракатлар стратегиясидан Тараққиёт стратегияси сари қаддам қўйиб, бу катта йўлда жамиятимизнинг янги қиёфасини яратишга киришдик. Юртимизда одамларнинг рози қилиш йўлидаги саъй-ҳаракатлар, ҳаётимизни ўзгартиришга тамойиллар янги демократик ўзгаришларни талаб қилмоқда. Бу – Конституциявий ислохот. Шу маънода, ана шу муҳим ҳаётий зарурат Конституциявий ислохотларнинг куйидаги устувор йўналишларида белгиланган: биринчидан, аввал амал қилган «давлат – жамият – инсон» асосини янги «инсон – жамият – давлат» парадигмага ўзгартириб, конституциявий қонунчилик ва конституциявий амалиётда мустақамлаш; иккинчидан, иқтисодий ислохотлар жараёнида инсон манфаатларини таъминлаш. Бу халқчил давлат бунёд этишнинг энг муҳим шартидир; учинчидан, фуқаролик



Алижон АБДУРАХМОНОВ,
«ISHONCH»

Кундалик ҳаётимизни қоғозсиз тасаввур қилиб бўлмайди – худонинг берган кўни қоғоз ва ундан тайёрланган турли хил маҳсулотлардан фойдаланимиш. Масалан, тўлов ва харид чеклари, йўл чипталари, ёзув қоғозлари, турли товарларнинг ёрликлари, қутилар, ўрамлар, салфеткалар, пакетлар...

800 рублагча кўтарилди. Қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари тақчиллиги сабаб мамлакатдаги кўплаб дўконларда харид чекларини чиқариб бериш муаммага айланди. Чекларни тежаш мақсадида электрон тизимга ҳам ўтиштирилди. Гача, яқингача манзара шундай эди. Энди бундан буён ўзгаради, ажаб эмас. Статистик маълумотларга кўра, юртимизга хориждан олиб келинадиган қоғоз маҳсулотлари миқдори 300 минг тонна атрофида экан. Давлат статистика қўмитасининг маълум қилишича, Ўзбекистон ўтган 2021 йилда умумий қиймати 300,7 млн. АҚШ долларини ташкил қилувчи жами 231 минг тонна қоғоз ва картон импорт қилган. Ўз-ўзидан савол туғилади: Ўзбекистонда қоғоз ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва бунинг натижасида импортни қайтариш, қоғоз маҳсулотларига бўлган талабни қанчалик қўвилади.

Бир вақтлар конвертация «конкрет» тўсиқ бўлган пайтларда ҳамма ҳам четдан қоғоз олиб келолмас эди. Ушар пайтларда асосан икки ташкилот – «Шарқ» наشريёт-матбаа қўшма корхонаси ҳамда «Ўзбекистон» наشريёт-матбаа ижодий уйи хориждан қоғоз келтирарди, холос. Бугунги кунда эса юртимизда фақат офсет ва газета қоғози савдоси билан шуғулланадиган «Ройтат Групп», «Union Paper», «Baltcell Paper» каби 20 га яқин фирма мавжуд. Асосан Россиядан қоғоз келтириб сотадиган фирмаларнинг бир нечаси билан боғланиб, шундай хулосага келишдики, нархларнинг ошиши Россиядаги вазият билан боғлиқ. Ўзбекистонда февраль ойининг охиридан бери принтерлар учун мўлжалланган А4 форматдаги оқ қоғоз таҳминан икки бараварга қимматлашди. Тадбиркорларнинг айтишича, қоғоз нархининг ошигани сабабли савдо ҳажми ҳам сезиларли даражада пасайган. Одамлар қоғозни камроқ харид қилишмоқда.

Беш ой ичида офсет қоғоз нархи **7 350 сўмга**, газета қоғози эса **2 160 сўмга** ошган. Халиям газета қоғозининг нархи майга нисбатан июнь ойида **240-250 сўмга** ташлаган. Агар бугунги кундаги нарх-навоми ўтган йилги билан таққослайдиган бўлсак, ўтган йили шу вақтда бир килограмм газета қоғози **5-6 миңг** (ҳозирча **11,5-12 миңг**) сўм, офсет қоғозининг бир килоси эса **8-10 миңг сўм** бўлган (айни вақтда **21,5-22 миңг сўм**).

Импорт қилинган қоғоз (4801-4805 ТИФ ТН позициялари) ҳақида маълумот

ЖАМИ								
2021 йил			2022 йил			2022 йил		
Жами			Январь-май			Январь-май		
Вазни, тн.	Қиймати, миңг долл.	Бир бирлик нархи (долл./кг)	Вазни, тн.	Қиймати, миңг долл.	Бир бирлик нархи (долл./кг)	Вазни, тн.	Қиймати, миңг долл.	Бир бирлик нархи (долл./кг)
131 455,4	111 742,7	0,85	86 282,8	71 809,2	0,83	53 456,3	52 870,9	0,99
шу жумладан газета қоғози								
2021 йил			2022 йил			2022 йил		
Жами			Январь-май			Январь-май		
Вазни, тн.	Қиймати, миңг долл.	Бир бирлик нархи (долл./кг)	Вазни, тн.	Қиймати, миңг долл.	Бир бирлик нархи (долл./кг)	Вазни, тн.	Қиймати, миңг долл.	Бир бирлик нархи (долл./кг)
7 788,5	3 974,6	0,51	5 246,1	2 642,3	0,50	5 334,7	3 913,1	0,73

Хуллас, ҳамма жойда, яъни уйда, ишонада, ошхонада, бозорда шу даражада кўп қоғоз ишлатиладики, одатда, бунга кўп ҳам эътибор беравермаймиш, ҳисобини ҳам олавермаймиш. Лекин шундай ташкилот ва корхоналар борки, улар бир куннинг ўзида тонналар қоғозни «ямламай ютиб юборишади». Улар учун қоғоз кундалик эҳтиёж ва унинг ҳар бир грами ҳам ҳисоб-китобли.

Шу десағиз, тонналаб қоғозни «кўрдим демайдиган» «юҳолар»нинг олд қаторида босмаҳоналар, наشريётлар ва албатта, даврий нашрлар туради. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигидан олинган маълумотда қайд этилишича, 2022 йил 1 январь ҳолатига кўра, юртимизда 626 та газета, 539 та журнал ва 18 та ахборотнома-бюллетень рўйхатдан ўтган. Шунингдек, республикамизда 1611 та матбаа корхонаси ҳамда 262 та наشريёт мавжуд. Аммо айни вақтда уларнинг қанчаси қай даражада фаолият кўрсатгани ҳақида аниқ бир гап айтиш қийин. Чунки...

Ўзи шундоғам йилдан-йилга иқтисодий имкониети пасайиб бораётган қоғоз билан ишлайдиганларнинг бугунги аҳоли оғир эди. Негаки, қоғоз қимматлашиб кетган... Масалан, «Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси шу йилнинг январь ойида бир килограмм офсет қоғозини 14 650 сўмдан, газета қоғозининг бир килосини эса 9 600 сўмдан сотиб олган. Қоғознинг нархи ошгани боис июнь ойида бир килограмм офсет қоғоз 22 000 сўмдан, бир килограмм газета қоғози эса 11 760 сўмдан олинган.

Этибор беринг, беш ой ичида офсет қоғоз нархи 7 350 сўмга, газета қоғози эса 2 160 сўмга ошган. Халиям газета қоғозининг нархи майга нисбатан июнь ойида 240-250 сўмга ташлаган. Агар бугунги кундаги нарх-навоми ўтган йилги билан таққослайдиган бўлсак, ўтган йили шу вақтда бир килограмм газета қоғози 5-6 миңг (ҳозирча 11,5-12 миңг) сўм, офсет қоғозининг бир килоси эса 8-10 миңг сўм бўлган (айни вақтда 21,5-22 миңг сўм).

Давлат божхона қўмитасидан олинган маълумотга қараладиган бўлса, қоғоз нархлари ўртасидаги тафовут яққол кўзга ташланади.

Қадамлардан ҳам кўриниб турибдики, ўтган йилнинг беш ойига нисбатан жорий йилнинг шу даврида импорт миқдори ошган. Аммо нарх кўтарилгани боис қийматда анчагина фарқ бор.

Хўш, қоғоз нархининг ошишига сабаб нима? Ҳаммага маълумки, Украинадаги воқеалардан сўнг Россияга бир қатор санкциялар жорий этилди. Натижада қоғоз санаоатида ишлатиладиган қонимий моддалар, эҳтиёт қисмлар ва бошқа муҳим материаллар импорт буйича чекловларга дуч келинди. Таҳминларга кўра, энди «российский» қоғозлар сарғиш рангда (оқартирилмаган) бўлиши ҳам мумкин. Чунки қоғозни оқартиришда ишлатиладиган «химикат» Россияга асосан Европа давлатлари, Украинадаги воқеалардан сўнг Россиянинг ўзида ҳам қоғозлар қимматлашди. Масалан, офис қоғозининг нархи камда икки-уч баробарга ошди. Агар 24 февралгача 500 вақадан иборат бир пачка оқ қоғозни 250-280 рублаг сотиб олиш мумкин бўлган бўлса, бир ойдан сўнг унинг баҳоси 500дан

келтириш улар учун бефойда бўлиши мумкин. Бизга Хитой, Туркия, Таиланд каби давлатлар ҳам қоғоз экспорт қилади. Аммо Россия уларни имкон қадар бизнинг бозорга киритмаслик учун уларнинг арзонроқ нархини тақлиф қилади. Дейлик, қайсидир тадбиркор қайси бир мамлакатдан катта миқдорда қоғоз келтирди. Шунча қоғоз сотиб олинган, Россия нархини янада пасайтириши, натижада эса ўша тадбиркор хонавайрон бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам ҳамма тадбиркорлар тавақал қилмаётганимиз экан.

Шу ўринда бир парадокс! Яъни, четдан қоғоз келтирувчилар сони тобора кўпаяётгани яъни, аммо газета қоғозига бўлган эҳтиёж борган сари камаяётгани – ёмон!

Ҳеч кимга сир эмаски, кўпгина муассис ҳамда маъсулларнинг газета ва журналларга бўлган «илик» муносабати оқибатида даврий нашрларнинг адади йилдан-йилга тушиб бормоқда. Айримлари ижара нархининг қимматлиги боис «ҳайдалиш» куйини чалмоқда, баъзилари эса, илҳожизликдан (адад камлиги, маблағ йўқлиги учун) ёпилиб ҳам кетмоқда. Афуส!

Сўзимиз қуруқ бўлмаслиги учун яна бир факт: 2000-йилларда «Шарқ»да 130 тадан

Шу ўринда бир парадокс! Яъни, четдан қоғоз келтирувчилар сони тобора кўпаяётгани яъни, аммо газета қоғозига бўлган эҳтиёж борган сари камаяётгани – ёмон!

шунингдан сўнг унинг баҳоси 500дан келтириш улар учун бефойда бўлиши мумкин. Бизга Хитой, Туркия, Таиланд каби давлатлар ҳам қоғоз экспорт қилади. Аммо Россия уларни имкон қадар бизнинг бозорга киритмаслик учун уларнинг арзонроқ нархини тақлиф қилади. Дейлик, қайсидир тадбиркор қайси бир мамлакатдан катта миқдорда қоғоз келтирди. Шунча қоғоз сотиб олинган, Россия нархини янада пасайтириши, натижада эса ўша тадбиркор хонавайрон бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам ҳамма тадбиркорлар тавақал қилмаётганимиз экан.

чиқариш мумкин экан. Фарғона шахридаги «Fergana Stone Paper» корхонасида тошдан экологик тоза қоғоз тайёрланаётир.

Умумий қиймати 7 миллион долларга тенг бўлган ва замонавий технологиялар билан жиҳозланган бу қўшма корхонада кунига 10 тонна қоғоз ишлаб чиқарилмоқда.

– Бу лойиҳани амалга ошириш учун уч йил изландик. Хорижий давлатларга бориб, жуда кўп нарсадан ўргандик. Охир-оқибат, хитойлик ҳамкорлар билан тошдан қоғоз ишлаб чиқариш бўйича келишувга эришдик, – дейди корхона раҳбари Жасурбек Ниёзов.

– Айни пайтда тайёр маҳсулотнинг асосий қисмини Россия ва Туркияга экспорт қилаёмиз. Тошқоғоз маҳсулотларига дунёда талаб катта. Чунки у экологик тоза маҳсулот ҳисобланади. Тошдан қоғоз ишлаб чиқариш жараёнида экологияга ҳеч қандай зарар етмайди. Масалан, ҳамма фойдаланадиган оддий оқ қоғознинг бир тоннасини ишлаб чиқариш учун 5 тонна сув керак. Бунда сувнинг тенг ярми заҳарли моддалардан иборат бўлади. Кейинчалик уни тозалаш, йўқотиш имконсиз. Сувга ташланса, балиқлар нобуд бўлади, ерга тўкилса, ер «ўлади». Бу муаммо ҳозиргача бутун дунёда ҳал бўлган эмас. Тошдан қоғоз ишлаб чиқаришда эса, бундай муаммоларга дуч келинмайди. Чунки сув умуман ишлатилмайди. Тошқоғознинг яна бир муҳим жиҳати шуки, ундаги ёзувлар узок муддат давомида ўчиб кетмайди.

Корхона раҳбарининг айтишича, тошқоғоз ишлаб чиқариш учун зарур бўлган асосий хомашёлар – тош, полипропилен, полиэтилен маҳсулотлари мамлакатимизда мавжуд бўлиб, ишлаб чиқаришда юз фоиз маҳаллий хомашё ишлатилар экан. Тошқоғозлардан турли пакетлар, конверт, китоб,

